

## ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ (НЕМИС ТИЛИ) ЎРГАНИШДА УМУМЕЪТИРОФ ЭТИЛГАН БОСҚИЧЛАР ХУСУСИДА

**Ахророва Дилдора**

*Қўштепа тумани 35-мактаб*

Чет тилларини ўрганиш кишидан катта эътибор ва энг муҳими матонат талаб этади. Тилларни ўзлаштиришнинг, айниқса, немис тилини ўрганишни такомиллаштиришнинг бир неча турлари мавжуддир. Янги тилни бойитишда энг яхши манба деб бадий адабиётни олиш мумкин. Бироқ тилни ўзлаштириш учун уни мунтазам ўрганиш керак. Ҳар бир сўз ва ибораларни ўз ўрнига қўйиб гапириш эса сўзловчидан алоҳида маҳорат талаб этса, ўз навбатида, тингловчиларга завқ бағишлайди. Тилни яхши билиш учун матнларни шунчаки ёд олиш етарли бўлмайди, сўзлардан “қуруқ” эквивалентларисиз фойдаланиш асосий камчиликлардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай тилни ўрганишда бу тилнинг грамматикасини маълум даражада билиш муҳим саналади.

Немис тилини яхши ўзлаштириш учун муайян жадвал асосида режа тузиб, машғулотларни тизимли олиб бориш керак. Бунинг учун ўрганишнинг ўзига хос даражаларига риоя қилиш лозим бўлади. Немис тилини ўрганиш, асосан, 6 даражали жадвал асосида амалга оширилади. Булар:

Даражалар GER*	Босқичлар
A1	A1.1; A1.2
A2	A2.1; A2.2
B1	B1.1; B1.2
B2	B2.1; B2.2
C1	C1.1; C1.2
C2	C2

Тилни ўрганиш жараёнида кишилар босқичма-босқич луғат бойлигини ошириб боришади. Натижада гап тузишда мос сўзларни қандай танлаш малакасига эга бўладилар. Тилни ўрганиш, дастлаб, алифбодан бошланади, кейинчалик, кундалик ҳаётда ҳар куни учрайдиган оддий сўзларни ўзлаштиришга ўтилади. Аста-секин оддий диологлар тузилади, бу эса талаффузни ўсиб боришига ёрдам беради.

GER\* - чет тилларини ўрганишда Умумевропа канфренсиялари А1 ва А2 босқичлар; немис тилини элементар оддий содда ўрганиш. А босқичи - бошланғич босқич. Мазкур босқич якунида ўрганувчи ўз нутқида оддий сўз ва бирикмаларни ўзлаштириб, уларни қийинчиликсиз ишлата олиш кўникмаларини эгаллайди. Содда қилиб айтганда, А1 босқичнинг муваффақиятли якуни учун 150 соат мустақил тайёрланиш ва 25 соат ўқитувчи билан ишлаш талаб қилинади. А1 босқични муваффақият билан тугатилгач “Start Deutsch” халқаро имтиҳонини топшириш мумкин.

A2 босқичи ўрганувчида кундалик ҳаётдаги ҳар хил мавзулар бўйича мулоқот қилишга имконият яратади. Масалан, байрамлар, харидлар, бўш вақт тўғрисида, об-ҳаво ва бошқа долзарб мавзулар. A2 босқичини муваффақият билан якунлаб, “Start Deutsch”нинг навбатдаги имтиҳонидан ўтиш мумкин.

B1 ва B2 босқичлари бу – онгли равишда немис тилини ўрганиш. B1 босқичи немис тилида мулоқот қилувчи мамлакатлар ҳаётида учрайдиган асосий масалаларни, адабиётга хос матн ва ибораларни тушунишга ёрдам беради. Бунда ўрганувчи содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳамда тузилаётган режаларни тўғри тушунтириш ва эркин баён қила олиши мумкин бўлади. B1 босқичи бўйича билимга эга бўлиш учун 2000 тага яқин сўзни ўзлаштириш талаб этилади. B1 босқичини якунлагандан сўнг “Zertifikat Deutsch” имтиҳонини топшириш мумкин.

B2 босқичи мураккаброқ босқич ҳисобланиб, у нисбатан қийинроқ жумлаларни тушунишга, матнларни эркин таржима қилишга, таржима қилинган матн борасида тўғридан-тўғри фикр билдириш, кишилар билан сўзлашишга ва суҳбатдошнинг гапларини тез англашга ёрдам беради. Бундан ташқари ўрганувчи гуруҳлар орасидаги мунозарали бахслар, дебатлар уйиштириш, муаммо устида ишлаш ҳамда унга ечим топиш ва уни тушунтириб бера олиш малакасига эга бўлади.

C1 ва C2 босқичлар – немис тилини тўлақонли ўзлаштириш. Бу босқични якунловчилардан 7000 дан зиёд сўзларни билиш талаб этилади. C1 босқичини якунлаб “Zentrale Mittelprüfung” имтиҳонини топшириш мумкин. Бу сертификатга эга бўлган мутахассис барча ўқув муассалари томонидан Немис тилини етарли даражада билувчи сифатида қаралади.

C2 босқичини эгаллаш катта ҳажмдаги илмий ва бадиий асарларни тушиниш, уларни бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилиш, уларни анализ ва синтез қила олиш имкониятини яратади. Бунда шунчаки улар билан танишиш эмас, балки бу тилда амалга оширилган илмий ишларга фикр билдириш ҳамда ўзи ҳам шу каби долзаб янгиликлар қила олиш малакасига эга бўлади. C2 босқичи якунлаб “Zentrale Oberstufenprüfung” имтиҳони топширилади.

**Босқичлар учун китоблар.** Камдан-кам кишилар A босқичида адабиёт ўқишади. A босқич сўз ясаш ва грамматиканинг бошланғич билимларини эгаллаш билан ажралиб туради. Бу босқичда, одатда, машқлар бажариб товуш ва сўзларни талаффуз қилишни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. 10 – 15 саҳифадан ортиқ сўзни ўзлаштириш қийинчилик туғдиради, тез-тез луғатга қарашга тўғри келади. Шунинг учун аввалига болаларга мўлжалланган расмли китоблардан, кейинроқ махсус немис тилидаги қисқа ҳикоялардан фойдаланиш керак. Бундай китобларга мисол қилиб Фелих&Теоларнинг “Tödlicher Schnee”, “Ein Mann zu viel”, Jacqueline Tschiesche “Tristan und Isolde” каби ҳикоя ва асарларини келтириш мумкин. Луғат бойлиги бойиши билан бу китоблар жуда ҳам оддий (осон) туйилади. Бу эса кейинги босқичга ўтиш мумкинлигини англатади.

B босқичи. Бунда сўз бойлиги 2000 тага етиши мумкин. Ушбу босқичда диологлар тузиш, савол билан мурожаат қилиш ёки суҳбатдошга ниманидир

тушинтириш кабиларни ўзлаштирилади. Бу босқичда А босқичга қараганда ҳикоялар ҳажм жиҳатидан анча кўпроқ ҳамда хоҳиш ва кайфиятга мослаб танлаш мумкин. Бунда аввалига 20 – 30 бетли ҳикоялар, сўнгра 50 – 60 саҳифали асарлар етарлидир. Бундай китоблар сирасига Stefanie Wülfingнинг “Heiße Spur in München”, Leonhard Thomанинг “Das Wunschhaus andere Geschichten” кабиларни олиш мумкин. Кўп ўқувчилар бу босқичда қолишни маъқул кўришади, чунки бу босқичдаги билимлар шу тилдаги асарлардан завқ олиш учун етарли даражада бўлади.

С босқичида ўрганиладиган адабиётларга илмий, бадиий ва техникага оид деярли барча турдаги асарларни киради. Булар немис тилида ёзилган ёки бошқа тиллардан таржима қилинган машҳур ёзувчиларнинг асарлари бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Leonhard Thomанинг „Die Blaumacherin“ асари.

Ушбу босқичда Ильи методикасига оид китобларни олиш мумкин. Ильи Франк методикаси китоб ўқиш орқали тил ўрганиш демакдир. Бунда Ильи Франк адабатсиясини эслатиб ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Матнлар ўзгармаган ҳолатда қолиб, улар ҳар бир хатбоши таржимасидан сўнг қўшимча ва изоҳлар билан тўлдириб борилади.

Айтиб ўтилганидай, тил кўникмаларни яхшилашнинг кўп усуллари мавжуд. Лекин энг яхши усулларида бири бадиий адабиётни ва мақолаларни ўқиш ҳисобланади. Шу билан бирга нафақат тўғри фикрлаш, ёзиш, гаплашишни ўрганиш, балки мамалакат анъаналари ва маданияти билан танишиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Янги босқичга ўтиш учун мунтазам машғулотлар олиб бориш, ўқишга тўғри ёндашиш керак бўлади. Машқ, қоида ва топшириқлар, мавжуд методик китоблар ўрганиш жараёнининг энг керакли қисми саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бориско Н. Ф., Deutsch für Fortgeschrittene Niveau. немецкий язык Уровень совершенства.
2. Александр Кравченко, Говорите по-немецки! Sprechen Sie Deutsch! Пазбитие навийков устной речи
3. [хтт://топ 100лингва ру /блог / библиотека](http://top100lingua.ru/блог/библиотека)
4. [хтт:// www.лабиринт .ру /боокс/375276/.](http://www.лабиринт.ru/боокс/375276/)
5. NZO AHMADJONOV //ANALYSIS OF POETONYMS USED IN POETRY// International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 12, volume 104 published December 30, 2021 P. 509-512 page
6. AN Zokirjon o'gli, AS Vaxromjon o'g'li //ANALYSIS OF POETONYMS IN PROSE WORKS// Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. Volume 10, Issue 2, February, 2022 ISSN: 2347-6915 SJIF Impact Factor: 7.472 P. 487-490
7. Rakhmatillo Shukurov Mirzatillayevich, Ahmadjonov Nurbek Zokirjonogli //Precedent names in the artistic text as allusive names// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 8 August 2021 Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492. P. 46-52 page



8. Н Ахмаджонов, А Рўзиматова // ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР НЕМИС ХАЛҚИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИДИР// О'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 10-SON. 20.08.2022. 104-109
9. N AKHMADJONOV // Phraseological units is a mirror of the German national culture// Scientific journal of the Fergana State University, 2018 №2. 83-85.
10. N.Khoshimova A.Ruzimatova // METHODS OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGE// О'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 10-SON. 20.08.2022 74-77 betlar
11. H.T.Mahmudova // BEMORLARNI PARVARISH QILISHNING AHLOQIY MEYORLARI// IJODKOR O'QITUVCHI JURNALI. 5 NOYABR / 2022 YIL / 23 - SON. 228-231 betlar
12. X.T.Maxmudova // TIBBIYOT OLIYGOHLARIDA TIBBIY FANLARNI O'QITISHNING INTERFAOL USULLARINI QO'LLASHNING SAMARADORLIGI// О'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI// 12-SON. 19.10.2022. 841-845 betlar
13. Dilshodbek o'g'li, R. S. // SPORTCHI PSIXOLOGIK SALOMATLIGIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR// Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(11) 2022, 117-121.
14. Dilshodbek o'g'li, R. S. // Motiv Va Motivatsiya Muammosining Jahon Va Mahalliy Psixologlar Tomonidan Tadqiq Etilganligi// American Journal of Social and Humanitarian Research, 3(11) 2022, 256-259.
15. Dilshodbek o'g'li, R. S. // PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF THE SPORTSMAN PERSONALITY DURING COMPETITIONS// IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(11) 2022, 215-221.
16. Tursunboy Axmedov, Siddikova Ranoxon Abdulxay qizi, Xusanova Lobarxon Murodovna // Basics of Wood Materials and Woodworking Technology// Texas Journal of Engineering and Technology. <https://zienjournals.com>. VOL. 9, JUNE, 2022. 100-102 page.
17. Tursunboy Axmedov, Kasimova Feruza Alievna // ZAMONAVIY USULDA PO'LAT OLISH TEXNOLOGIYASI VA UNI INNOVASION USULDA O'QITISH// О'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 12-SON. 19.10.2022. 761-766 betlar.
18. Турсунбой Ахмедов, Сиддикова Раънохон Абдулхай кизи // ЁФОЧ МАТЕРИАЛШУНОСЛИГИ АСОСЛАРИ// О'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 12-SON. 19.10.2022. 681-686 betlar.
19. T Akhmedov, SM Otazhonov, MM Khalilov, N Yunusov, U Mamadzhanov, NM Zhuraev // Effective dielectric permeability and electrical conductivity of polycrystalline PbTe films with disturbed stoichiometry// Journal of Physics: Conference Series 2021/12/1 052008/
20. T Akhmedov , S M Otajonov, Ya Usmonov, M M Khalilov, N Yunusov and A K Amonov // Optical properties of polycrystalline films of lead telluride with distributed stichiometry// Journal of Physics Conference Series/ 1889(2021)022052 doi:10.1088/1742-6596/1889/2/022052. 1-8 page

21. Abdukadirova L. Y., Mirzajonova E. T. The importance of reading competencies in the context of the “industry 4.0” industrial revolution //Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 1. – С. 205-210.

22. Abdukadirova L. Y. Basic scientific and theoretical approaches on learning coping behavior of students who are in difficult life situations //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – T. 24. – №. S1. – С. 543-550.

23. Абдукадилова Л. Ю. АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОЙ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕМЕЙНЫХ СТУДЕНТОК В ВУЗАХ УЗБЕКИСТАНА //ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ. – 2021. – Т. 4. – №. 6.

24. Laura A. THE MAIN APPROACHES TO THE STUDY OF THE DIFFICULT LIFE SITUATION IN SOCIO-PSYCHOLOGICAL RESEARCH //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 12.

25. Ostanaqulov Alijon Dadajon Ugli //THE HISTORY AND ROLE OF ISLAM AND PSYCHOLOGY IN THE EDUCATION SYSTEM IN CENTRAL ASIA// ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. Volume: 2 /Issue:4/April 2021. 276-277 pages

26. N.A.Xoshimova A.Ro.,zimatova //INGLIZ TILINI O'QITISHDA INNOVATSION VA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH// MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH: a collection scientific works of the International scientific conference (10 July, 2022) - Berlin:2022. 166-170 betlar